



№ 96/13-6

2020 yil “ 6 ” июнь

**Тошкент шаҳрида ташқи реклама объектлари учун йигимлар
миқдорини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда) 6 ва 24-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сон (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2020 йил 21 февраль) қарорига асосан Тошкент шаҳрида ташқи реклама объектлари учун йигимлар миқдорларини белгилаш мақсадида, ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тошкент шаҳрида ташқи реклама объектларига (конструкциялари) ташқи реклами жойлаштириш (тарқатиш) учун йигимлар миқдори иловага мувофиқ белгилансин.

2. Туман ҳокимлари мазкур қарор қучга киргандан сўнг иловага асосан белгиланган йигимлар миқдорига мувофиқ, 2020 йил учун тузилган шартномаларга тегишли ўзгартиришлар киритсин.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Д.Хидоятов) ва туман ҳокимларига Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 104-сонли қарори ижросини сўзсиз таъминлаш вазифаси юклатилсин.

3. Ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг 2009 йил 22 декабрдаги “Тошкент шаҳрида ташқи реклама воситаларини жойлаштириш ҳақининг янги таърифларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 211/3-24-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталари таҳририяти (А.Акромов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (П.Халиулин) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

6. Мазкур қарор ижроси юзасидан назорат олиб бориш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклансин.

**Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгashi
раиси ўринбосари**

Т. Матибаев

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашининг
2020 йил «6» июн
97/13-6-сонли карорига
Илова

**Тошкент шаҳрида ташқи реклама объектлари(конструкциялари)га
ташқи рекламани жойлаштириш (тарқатиш) учун йифимлар миқдори**

№	Реклама объектларининг турлари	Ўлчов бирлиги	Бир ойга (сўм)
---	--------------------------------	---------------	-------------------

I. Ер участкаларида ўрнатилган алоҳида турувчи конструкциялар

1.1	кичик форматдаги (2,19 кв.м.гача)	1 кв.м	5 000
1.2	ўрта форматдаги (2,2 кв.м.дан 12 кв. м.гача)	1 кв.м	5 000
1.3	катта форматдаги (12 кв.м.дан 18 кв. м.гача)	1 кв.м	5 000
1.4	ўта катта форматдаги (18 кв.м.дан ортиқ)	1 кв.м	5 000
1.5	0,3 x 0,3 метрдан катта ҳажмли-фазовий қурилма	1 кв.м	15 000
1.6	байроқли рекламалар тўплами (композиция)	1 кв.м	5 000
1.7	реклама модулларига эга кўрсаткичлар	1 кв.м	5 000
1.8	умумий майдони 3 кв.м.дан ортиқ афиша деворлар	1 кв.м	5 000

II. Бинолар, иншоотлар ва қурилмалардаги реклама конструкциялари

2.1	бинонинг ташқи қисмида жойлаштирилган конструкциялар	1 кв.м	5 000
2.2	биноларнинг том қисмларидаги конструкциялар — меъморий шакл (хайкаллар)	1 кв.м	5 000
2.3	майдони 2 кв.м ва ундан ортиқ бўлган йирик конструкциялар	1 кв.м	5 000
2.4	павильонлардаги конструкциялар	1 кв.м	5 000
2.5	кўча мебели, хусусан, реклама модули ўрнатилган ўриндиқлар	1 кв.м	5 000
2.6	майдонли тўсиқлардаги конструкциялар	1 кв.м	5 000
2.7	кўприкларда, йўл ўтказгичлар, қувур линиялари, ёритиш тиргакларида ўрнатилган конструкциялар	1 кв.м	5 000
2.8	маркизлар	1 кв.м	5 000
2.9	проекцияли узатма	1 кв.м	15 000
2.10	консоль панеллар	1 кв.м	15 000
2.11	имиджли реклама ва ахборот қурилмалари	1 кв.м	15 000
2.12	реклама блоклари	1 кв.м	5 000
2.13	ҳажмли-фазовий қурилма	1 кв.м	15 000
2.14	том усти ёргули реклама конструкциялари	1 кв.м	15 000

III. Ташқи реклама вақтинчалик объектлари (конструкциялари)

3.1	қурилиш майдончаларидағи 2 кв.м ва ундан кўп бўлган вақтинча реклама тўсиқлари	1 кв.м	5 000
-----	---	--------	-------

№	Реклама объектларининг турлари	Ўлчов бирлиги	Бир ойга (сўм)
3.2	2 кв.м ва ундан кўп бўлган умумий овқатланиш ва савдо нуқталаридаги реклама	1 кв.м	5 000
3.3	вақтинча турдаги киосклар ва павилонлардаги реклама	1 кв.м	5 000
3.4	плакатлар, чодирлар, соябонлар, каноплар, байроқлар, осма байроқлар, елканли байроқлардаги реклама	1 кв.м	5 000
3.5	ностандарт шаклдаги конструкциялар	1 кв.м	5 000
3.6	промоқурилмалар	1 кв.м	5 000
3.7	алоҳида турувчи ёргули кронштейнлар		15 000

IV. Ёруғли-диодли мониторлар, электр экранлар (видео экранлар, югурувчи сатрлар дисплейлари ва бошқалар)

4.1	50 кв.м.гача	1 кв.м	50 000
4.2	51 кв.м.дан 150 кв.м.гача	1 кв.м	30 000
4.3	151 кв.м.дан 300 кв.м.гача	1 кв.м	20 000
4.4	300 кв.м.дан ортиқ	1 кв.м	10 000